

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**QIYOSIY
ADABIYOTSHUNOSLIK:
O‘TMISHI, BUGUNI,
ISTIQBOLLARI**



**2020-yil
6-noyabr**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7-fevraldagi 56-f - sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida 2020-yilda xalqaro va Respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini”da belgilangan tadbirlar hamda O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2020-yil 13-fevraldagi “Vazirlik tizimidagi oliy ta’lim va ilmiy - tadqiqot muassasalarida 2020 yilda o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi №116-sonli buyrug‘ida belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasini tomonidan 2020 - yil 6 - noyabrda “QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI” mavzusida Respublika miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya o‘tkazilishi rejalashtirilgan.

Konferensiyaga quyidagi yo‘nalishlar bo‘yicha maqolalar qabul qilinadi:

- ❖ Qiyosiy adabiyotshunoslikning nazariy va uslubiy muammolari;
- ❖ Qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik masalalari;
- ❖ O‘zbek adabiyoti jahon adabiyoti kontekstida;
- ❖ O‘zbek va jahon adabiy aloqalari;
- ❖ Tarjimashunoslik va tarjimachilik masalalari;
- ❖ Tarjima - komparativistika obyekti sifatida;
- ❖ Tarjima tanqidining istiqbollari.

Konferensiyada ishtirok etish shakli: Onlayn konferensiya ZOOM dasturida o‘tkaziladi. Konferensiyaga yaqin ishtirokchilarga onlayn konferensiyaga ulanish havolasi yuboriladi. Konferensiya materiallarining elektron bazasi yaratiladi.

**Diqqat: Tashkiliy qo‘mita maqola va tezislarni tahrir qilish huquqiga ega.
Konferensiya ishchi tillari:
o‘zbek, rus, ingliz tillari.**

TAQDIM ETILADIGAN MAQOLA VA TEZISLARGA QO'YILADIGAN TEXNIK TALABLAR:

1. Ma'ruzalar o'zbek va rus (ingliz) tillarida yozilishi mumkin;
2. Maqolaning umumiy hajmi 4 betdan kam bo'lmasligi tavsiya etiladi;
3. Matn formati Microsoft Word, 1,5 intervalda Times New Roman 14 pt, matn formatining chap tomoni – 2.5 sm, o'ng tomoni – 1.5 sm bo'lishi kerak;
4. Maqola sarlavhasi o'rtada, bosh harf bilan to'q shriftda beriladi;
5. Keyingi qatorning o'ng tomonida muallif haqida quyidagi ma'lumotlar ko'rsatilishi lozim: familiyasi, ismi, otasining ismi, ilmiy darajasi, unvoni, ish joyi (qisqartirishlarsiz oliy o'quv yurti nomi), telefon raqami va elektron pochta manzili;
6. Annotatsiya va kalit so'zlar ikki tilda – o'zbek, rus tillarida yoziladi. Annotatsiya hajmi masofalarsiz 500 belgidan oshmasligi kerak. Kalit so'zlar – 5-6 ta so'z;
7. Adabiyotlardan olingan iqtiboslarning manbai sarlavha ostida ko'rsatiladi;
8. Qabul qilingan maqolalar konferensiya materiallarining elektron to'plami sifatida nashr qilinadi;
9. Konferensiya mavzusiga, ilmiy me'yorlarga va texnik talablarga javob bermaydigan maqolalar qabul qilinmaydi;
10. Maqolaning mazmuniga muallifning o'zi javobgar hisoblanadi.

Konferensiya maqolalarining elektron to'plamini mualliflarga yetkazish 2020-yil noyabr oyiga mo'ljallangan.

Nashr bepul

Konferensiya 2020-yil 6-noyabr soat 10-00 da boshlanadi.

Tashkiliy qo'mitaning manzili: Toshkent shahri, Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy, ToshDO'TAU binosi, 3-qavat, 313-xona. Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrası

**Ma'lumot uchun telefonlar: +99890 943-43-80 (Bahodir Xolikov),
+99899 666-77-33 (Mahmadiyor Asadov), +99897 362-82-44 (Zebo Sabirova)**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI



Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami

2020-yil 6-noyabr



**“FIRDAVS-SHOH” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020**

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73
Қ 37

Ushbu to'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2020-yil 24-dagi 4-sonli yig'ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

Taqrizchilar:

- Bahodir Karimov** – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiyi
Xurshid Do'stmuhammad – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati

To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldirlar.

Tahrir hay'ati

Shuhrat Sirojiddinov	f.f.d., professor, ToshDO'TAU rektori
Akmal Saidov	O'zR FA akademigi, yu.f.d., professor
Muhammadjon Xolbekov	f.f.d., professor (SamDCHTI)
Uzoq Jo'raqulov	f.f.d., professor (ToshDO'TAU)
Ulug'bek Hamdamov	f.f.d. (ToshDO'TAU)
Gulnoz Xalliyeva	f.f.d., professor (O'zDJTU)
Qosimboy Ma'murov	f.f.n., professor (ToshDO'TAU)
Dilnavoz Yusupova	f.f.d., dotsent (ToshDO'TAU).
Bahodir Xoliqov	f.f.f.d., ToshDO'TAU (<i>mas'ul muharrir</i>)
Mahmadiyor Asadov	ToshDO'TAU tayanch doktoranti (<i>mas'ul kotib</i>)
Zebo Sabirova	ToshDO'TAU o'qituvchisi (<i>mas'ul kotib</i>)

Qiyosiy adabiyotshunoslik: o'tmishi, buguni, istiqbollari (matn) Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari тўплами. – Т.: “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020. – 284 bet.

ISBN 978-9943-6695-8-1

Mazkur anjuman materiallariga filologiyaning bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va komparativistika masalalariga oid ilmiy maqola va tezislari kiritilgan. To'plamdan o'rin olgan maqolalarda qiyosiy adabiyotshunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, o'zbek mumtoz adabiyoti, qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik, o'zbek adabiyoti jahon badiiy tafakkuri kontekstida o'rganilishi, o'zbek va jahon adabiy aloqalari, tarjimashunoslik va tarjima tanqidi kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslar bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to'plamda tartiblangan.

To'plam adabiyotshunoslik, jumladan, qiyosiy adabiyotshunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo'ljallangan, shuningdek, “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda oliy o'quv yurti talabalari uchun ham qo'shimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73

ISBN 978-9943-6695-8-1

© “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020

3. Xalliyeva G. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – T.: Akademyashr, 2020. – 160 b.
4. Qosimov A., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – T.: Barkamol fayz media, 2019. – 160 b.
5. Куронов Д. Адабий ўйлар. – T.: Turon zamin ziyo, 2016. – 112 б.



АҚШ ВА ЎЗБЕК РОМАНЛАРИНИНГ КОМПОЗИЦИОН ҚУРИЛИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

(“Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарлари мисолида)

Баҳодир ХОЛИҚОВ,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Аннотация: Ушбу мақолада детектив адабиётида детектив воқелик ва бадиий образлар тизимини яратишда адиб маҳорати масаласи илмий хулосаларга таянган ҳолда таҳлил қилинади. Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” (Godfather) ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида сўз юритилади.

Калит сўзлар: услуб, йўл, тугун, сюжет, поэтика, маҳорат.

Аннотация: В статье анализируется мастерство писателя создать структура художественного образа и детективного дискурса детективной литературы с помощью научных выводов. К примеру обращается произведение Марио Пьюзо “Крестный отец” и Тахира Малика “Шайтанат” в детективного жанра.

Ключевые слова: метод, способ, завязка, сюжет, поэтика, мастерство.

Ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган итальян адиби Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” романи тили равон ва воқеалар ривожигаги темп-шиддат ўқувчи диққатини ўзига тортиб туради, эътиборини чалғитмайди. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари тили ва услуби жиҳатидан ранг-баранг, унда бошқа адабий тур ва жанрларга хос унсурлар қоришиқ ҳолда келади. Бу ўринда асар матнида учраб турадиган шеърлий матнларни, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган ҳикоят ва ривоятлар назарда тутилмоқда.

“Чўқинтирган ота” ҳажм жиҳатидан “Шайтанат”дан беш баробар ихчам. Шу боисдан тили ҳам мухтасар. Муаллиф асарда ўрни-ўрни билан итальянча сўзлардан ҳам фойдаланган. Ана шу итальянча сўзлар унчалик кўп бўлмаса-да, залворли юк ташиган. Асарга ўзига хос бир сирлилиқми, жозибadorликми, пинҳоний қувватми, шунга ўхшаган нарса бағишлаган.

Марио Пьюзо сўзга хасис. У Дон Корлеоненинг давлат қонунларини четлаб ўтиб, амалга оширган катта ишларини бир неча сўзда ифодалайди: “У уйда бўйдоқ йигитча ўн беш цент тўлаб, бир стакан виски ичиб кетадиган кичкина майхоналар ташкил этиб олган итальян оилаларини ҳомийликка олди”[1, Б.213].

Муаллифлар тили ва услуби ҳақида сўз юритганда, ҳар бир асарнинг ҳажм ва таркибига тўхталиб ўтиш лозим бўлади. “Чўқинтирган ота”нинг инглизча варианты 22 босма тобоқдан кўп. Русча ва ўзбекча варианты (ўзбекчага русчадан ўгирилган) 22 тобоқдан кам. Бунинг сабабини бевосита таржима назарияси борасидаги тадқиқотларда ўрганиш мақбул бўлгани учун ушбу масалага тўхталмаймиз. Лекин айрим фаслларда негадир русча таржима вариантларидаги бир неча хат бошилар тушириб қолдирилган. Бу ҳол асар мазмунига унчалик катта таъсир кўрсатмаган бўлса-да, айрим воқеликлар рус ва ўзбек тилидаги мавжуд эмаслигини эътиборга олиш зарур. Асар ҳажман бир-бирдан

фарқланувчи 9 қисмдан иборат. Биринчи қисм – 11 боб, жами 160 бет (3-163-бетлар), иккинчи қисм – 2 боб, жами 28 бет (163-190-бетлар), учинчи қисм – бир бобдан иборат (190-231-бетлар), тўртинчи қисм 5 боб, жами 48 бет (231-279-бетлар), бешинчи қисм уч боб, жами 41 бет (279-321-бетлар), олтинчи қисм 2 боб, жами 20 бет (321-340-бетлар), еттинчи қисм 6 боб, жами 48 бет (340-408 бетлар), саккизинчи қисм 2 боб, жами 19 бет (389-408 бетлар), тўққизинчи қисм фақат сўнгги 32-бобдан иборат ва жами олти бет (408-415-бетлар).

Қисм ва боблар ўртасидаги номутаносиблик икки хил сабабга кўра юз берган деб тахмин қилиш мумкин: биринчиси, муаллифнинг ёзганлари муайян сабабга кўра ё ўзи ёки ношир томонидан қисқартирилган; иккинчиси, муаллиф кўпроқ мазмунга эътибор қаратиб, шаклни иккинчи даражада кўрган. Бироқ таъкидлаш жоизки, қисмлар тугаши ва бошланишида воқеликлар алмашади. Аммо бобларнинг барчасида бу ҳол кузатилмайди.

Ҳажм борасида “Шайтанат” анча салмоқли. Беш китобнинг энг ками 20, кўпи 33 босма тобоқдан ортиқ. Муаллиф ҳар бир китобни бобларга, бобларни эса фаслларга тақсимлаган. Манتيқан ҳар бир боб турли жойларда, бошқа-бошқа қаҳрамонлар билан деярли бир вақтнинг ўзи рўй бераётган воқеаларни ҳикоя қилиш билан ажратилган, кўп ҳолларда воқеаларнинг бир эпизоддан бошқа эпизодга ривожланиши ҳам фасллар алмашинувини тақозо этган. Баъзи бобларнинг ҳар бир фасли бир вақтнинг ўзида, турли жойларда рўй бераётган воқеаларни ҳикоя қилади. Айрим ўринларда эса замон билан вақт олдинга ҳаракатлангани ёки ортга қайтгани кузатилади. Ҳар бир китобда бобларнинг ҳажми деярли бир хил, ўртача 20-25 бетни ташкил этади ва ҳар бир боб одатда ҳажман бир-бирига мутаносиб бўлган уч, тўрт ёки беш фаслга ажратилган.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар воқеликнинг бадиий талқини бўлиб қолмасдан ҳаётнинг ўзига хос фалсафий қонуниятларини акс эттирувчи залворли фикларни ҳам ўртага ташлаши билан муваффақият қозонади. Бу борада ҳар икки муаллифнинг ўз услуби ва таянувчи омиллари бор. Пьюзо “Чўқинтирган ота”да кўплаб ҳикматли сўзларни асарда гоҳ қаҳрамонлар тили, гоҳ ўз тилидан баён этган. Жумладан, дон Корлеоне “Дўстлик ҳамма нарсадан улуғдир. Дўстлик истеъдоддан юқори туради. Дўстлик ҳар қандай ҳукуматдан кучлидир. Дўстлик оиладан сал пастроқда туради” [1, Б.38], дейди.

Бу улуғ алломалардан ёки жавонмардлардан бирининг эмас, мафия сардорининг ҳикмати. Унинг ўзи ана шунга амал қилиб яшайди, ҳузурига ёрдам сўраб келган кишиларни сира ҳам ноумид қайтармайди ва унга дўстликни таклиф этади. Албатта, муаллиф айтганидек, бу дўстликни беғараз деб бўлмайди. Лекин одамлар ҳеч бўлмаса, Чўқинтирган ота айтгани каби дўст бўла олганида ҳам ҳозиргидан анча яхши яшаётган бўлар эди.

“Менинг билишимча, ўзини катта одам қилиб кўрсатадиган кичик одамлар билан тез-тез учрашиб туришингизга тўғри келади шекилли” [1, Б.61], дейди Том Хейген ўзига нисбатан беписанд муносабатда бўлган, Чўқинтирган отанинг қудратини ҳис қила олмайётган Вольцга. Унинг бу гапини икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчиси, Вольцга турли мавзуларда учрайдиган одамларнинг баъзилари унга гапини ўтказиш учун ўзини катта одам қилиб кўрсатишга уриниши мумкин; иккинчи маъноси, ҳисобсиз бойлик, шон-шухрат, юлдузли онлар, катта амалдорлар билан ошначилик кишига ҳар қандай катта одамни ҳам кичкина қилиб кўрсатиб қўйиши мумкин. Вольц биринчи маъноси доирасида фикрлаётган эди, Том иккинчи маъносига ишора қилди. Бу гап аниқ мўлжалга тегади ва Вольц энг жазавага тушган вақтида ҳам Доннинг номига бир оғиз ёмон гап айта олмайди.

Дон муомалага киришаётган инсонларнинг қандай одам эканини билмоқчи бўлса, Томдан “У сицилиялик” ёки “сицилиялик эмас”, деган жавобни кутади. Сўралган одам ҳақидаги фикрнинг қатъийлашувига шу гапнинг ўзи кифоя.

“Шайтанат”да фалсафий мушоҳадалар, ҳикматли иборалар жуда ҳам кўп. Тоҳир Малик деярли ҳар бир воқеликка доир бирор ҳикмат ёки ривоят келтирган. Шу жиҳатдан,

асар дидактик хусусият ҳам касб этиб борган. Жумладан, “Дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилгувчи нарса келмаса” [2, Б.90]; “Номус жондан-да қимматлироқдир” [5, Б.196]; “Алам жомига ғазаб майини қуйиб сипқорган одам аслида ёниб кетиши керак” [5, Б.201]; “Одамлар учун хотирда сақлаш, унутмаслик нақадар зарур бўлса, баъзи вақтда унутиш ҳам шу даражада зарур” [3, Б.398]. Бу каби ҳикматомуз иборалар асарда ниҳоятда кўп. Шунинг билан бирга ёзувчи асарнинг руҳига мос ривоятлардан ҳам ўрни-ўрни билан фойдаланганки, ана шу ривоятлар асар персонажларининг кечинмаларини англашга кўмакчи вазифасини ўтаган.

Фалсафий ҳикматлар ва ҳикматли ривоятлар асар тилини бойитган ва асарнинг ўзига хос услуб касб этишига ҳисса қўшган. Ёзувчи бу асарни ёзишдан мақсади одамларни шайтанат йўлига кириб қолишдан огоҳ этиш эканини кўп такрорлаган. Бундай мақсадга ривоятларнинг таъсирчан кучи асқатиши шубҳасиздир.

“Чўқинтирган ота” муаллифи асосан дон оиласи атрофидаги кишилар ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумот беради. Уларнинг душманлари ёки ҳукумат одамларининг дунёқарashi, режалари ва бошқа ҳолатларга йўл-йўлакай тўхталиб ўтади. Шу сабабдан ўқувчи ўзини дон оиласи ичида ҳис қилади ва уларга ўхшаб фикр юрита бошлайди. Бу ҳол воқеалар ривожига бошқа муқобил нуқтаи назардан қарашга монелик қилади. Ахир бевосита жинойтчиликка қарши курашувчи кучлар бундан ташқари дон оиласи муҳолифларининг ҳам ўз ҳақиқатлари ва фикрлари ҳам бўлган-ку. Шу масалаларга “Шайтанат”да алоҳида эътибор билан ёндашилган. Унда жинойтчиларни фош этишга киришган расмий идора детективлари ҳаракатлари, шахсий ҳаётлари, ўйлари, кечинмалари ҳам кенг ёритилган. Бу ўз ўрнида асар қаҳрамонлари силсиласи боғланишида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Зоҳиднинг устози Анварнинг акаси, Анвар эса Элчиннинг дўсти, Элчин Асадбекнинг куёви. Шу тариқа образлар ўзаро боғланиб кетаверади.

“Шайтанат” муаллифи жинойт олами вакилларининг тилини яхши ўзлаштирган. У жинойтчилар тилидан чиқаётган сўзларни шу қадар ўринли таърифлайдики, ўқувчи айтилаётган сўзнинг маъносини англаш баробарида ёзувчининг этикет чегарасидан чиқмаганига ҳам гувоҳ бўлади. Масалан, Кесакполвон Маҳмуднинг Асадбек касалини ундан яширганини билиб қолганидан кейин ғазабга минган ҳолатида ўз йигитларига дўк уриб сўқинганини ёзувчи бундай таърифлайди: “– Хў, аммамнинг бузоғи, нимага анқаясан?! – савол қуруқ бўлмасин, деб йигитларнинг оналарини бир сидра “эслаб”, “ўқиб ташлагач”, сал ҳовури пасайиб, яқинда қарамлари йиғиштириб олинган, энди молларга роҳат бахш этаётган дала сари юрди” [4, Б.25]

Кўриниб турибдики, Кесакполвоннинг оғзидан чиққан гапларни ёзиб бўлмайди. Муаллиф унинг нима гапларни айтганини ифода этишнинг йўлини топа олган.

Ёзувчи жинойт олами ҳақида кўплаб материаллар тўплаган. Бу унинг айрим хулосаларида кўзга ташланади: “Элчин Ҳосилбойваччанинг олифтагарчилик қилишини кутган эди, аммо бунақа тўнкалик қилар, деб ўйламовди. Бундай “лутф”га эътибор бермаган бўлиб, икки қадам нарида турганича ўйинни кузатди. Шунда Шомилнинг билагидаги черков тасвири диққатини тортди. “Майда ўғрилардан экан-да”, деб қўйди” [3, Б.160].

“Ахтам ўғрилар оламига кириб, ҳали ўз ўрнини топмаган, етарли обрўга эришмаган эди. Юқори мартабанинг “қозирли фраер” деб аталувчи босқичидан ўтган эди, ҳолос. Шундай бўлса-да, ўғрилар қонунига сўзсиз амал қилишни ҳам одат қилганди. Ўғрилар оламининг мутлақ қонунига кўра, ҳатто балоғат ёшидан ўтган қизларни зўрлаш ҳам жинойт ҳисобланиб, оғир жазога муносиб кўриларди” [6, Б.504].

Марио Пьюзо ҳам жинойт олами вакиллари ҳақидаги фикрларини баён этар экан, улар тилидан доимий учиши мумкин бўлган ҳар қандай сўзни иложи борича парда ортига олишга ҳаракат қилган. Шунга қарамай, айрим ўринларда кескин иборалар ўтиб кетган. Масалан, Карло хотинини “Сен қўтир қанжиқ, мен билан шунақа ўйнашадиган бўлсанг, қорнингни ёриб ташлайман” [1, Б.243], деб сўқади. Бир жихатдан, ёзувчининг бадиий тил

қоидаларидан ташқари чиқмагани ютуғи бўлса-да, аммо асарда Люка Брази, Клеменца, Тессо, Виргилий Солоццо каби персонажлар қиёфасини очиб беришда уларнинг фақат ўзларига хос бўлган сўзлашиш услублари қўлланмаган. Марио Пьюзо даврида устувор бўлган ижодий услублардан бири шу эдики, унда характерлар яратиш, психологик таҳлиллар, фалсафий мушоҳадалар, лирик кечинмалар, пейзажлар ва бошқалардан имкон қадар камроқ, лекин ўз ўрнида фойдаланиб, асосийси муайян муаммонинг кўйилиши эди.

Тоҳир Малик эса кейинги адабий давр вакили ҳамда бошқа юрт адиби сифатида айна бир олам вакилларининг ҳам ҳаммаси бирдек сўзламаслигини кўрсатган. Асадбек, Ҳосилбойвачча, Хонгирей, Зелихон, Моргаш кабиларнинг ҳар бирининг фақат ўзига хос сўзлаш услуб бор.

Ёзувчи “Шайтанат”ни бадиий жиҳатдан жуда бой тарзда безата олишга эришган. Деярли ҳар саҳифада мажоз, истиора, муболага, киноя каби ўринли ташбеҳ ва ўхшатишлар асар тилини ғоятда такомиллаштирган. Асардан уқилиш лозим бўлган маънони англашда ўзига хос ўрин тутган. “Ювилавериб **ҳолдан тойган куйлак** ёқасининг учлари **шойгулнинг барглари**га ўхшаб буралиб қолган” [3, Б.74]; “Тиниқиб ухлаб олиш ниятидаги тўртовлонга у кеч **уйқу хиёнат** қилди” [5, Б.192]; “**Насияга гап олишни** ёқтирмайдиган Жалил” [5, Б.194]; “**Хавотир тирноғи ҳукмига** тушиш” [5, Б.196]; “**Нафс энди кибрга никоҳланди**” [5, Б.196]...

“Шайтанат” тили ва услубидаги яна бир жиҳат – ёзувчининг ўзбек насри анъаналарини сақлаши, жумладан, табиат билан боғлиқ воқеликларни қаҳрамонлар фаолияти ва ички туйғулари билан уйғунлаштириб юбориш. Бу ҳолат ўқувчи кайфиятига жиддий таъсир кўрсатади. “Кун бўйи куёш эпполмаган юмушни кечки шамол оппа-осон ҳал қилди: бир озгина ёмғир ёғишга имкон бергач, сўнг бош кўтариб, булутларни ҳайдаб осмонни тозалаб қўйди. Қизининг сочларини силаб ўтирган Манзура дераза оша осмонга қаради-ю, енгил хўрсиниб “Етқизганинга шукр”, деб қўйди. Зайнаб бошини кўтариб онасининг кўзларига боқди” [5, Б.246]. Она-боланинг бир-бирларига маълум ва маълум бўлмаган ғам-аламлари кун давомидаги саросималик булутли кунга қиёс қилинар экан, тун чоғи осмоннинг булутлардан тозариши улар қалбида осуда дамларга бўлган умидни уйғотгандек. Бундай ҳолатлар ўқувчи руҳиятини асар қаҳрамонлари руҳиятига яқинлаштиради.

Ёзувчи ўзбек адабиётида яхши анъана бўлган воқеликни образлар – мажозий тамсиллар ёрдамида баён этишни ҳам муваффақиятли қўллаган: “Асадбек ўлим сиртмоғининг бир учи бу томонларда эканини ўйлаб кўрмаган эди. Ҳозир **гумонлар тоғининг чўққилари** ана шу ҳақиқат **чакмоғи нуридан ёришгандек бўлди**” [5, Б.247]; “Уйнинг дабдабасини боғдаги **дарахтлар ёмон кўзлардан химоя қилиб туради**” [5, Б.109]; Зоҳиднинг мўлжали аниқ чиқиб **жувон узоғидаги қатъийлик сояси чекиниб, мамнунлик офтоби кўринди**” [5, Б.111]; “Иккови ҳам **микрофонга ёпишиб чиранувчи овози йўқ ашулачига ўхшайди**. Микрофонни тортиб олсанг, бу ашулачининг баҳоси сариқ чақа” [5, Б.310], “Бироқ умид саройи гўё муздан барпо этилгандай кун сайин эриб борарди” [5, Б.445]. Ёзувчи юқорида келтирилган ҳар бир ибора билан тасвир предметини сўз санъатининг ўзига хос услубида бадиий талқин этган. Натижада шу каби иборалар кишида эстетик завқ уйғотади.

Икки асарнинг ҳам муваффақияти билан бирга камчилик ва хатолари ҳам бор. “Чўқинтирган ота”да Ал-Капоне [1, Б.148-216] деган от учрайди. Лекин унинг кимлигини ёзувчи очиқ айтмайди. Лекин дон Корлеоненинг хатто унинг устидан ҳам ғалаба қозонгани айтилади. Буни камчилик сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Аммо асарга улғувор бир руҳ бағишлаш учун ёзувчи атайлаб шу йўлни тутган дейиш ҳам мумкин.

“Шайтанат”да Асадбекнинг қўшниси Қамбаралининг гиёҳвандликдан кўз юмган ўғли гоҳ ўртанчиси дейилади, гоҳ кенжатоий. Ўлдирилган таксопарк хўжайини ҳам гоҳ Шокаримов [5, Б.106], гоҳ Миркаримов [5, Б.109] деб ёзилган. Тўртинчи китобда Асадбекнинг қалбига муҳаббат туйғуси кирмагани [5, Б.206] айтилса, бешинчи китобда

интернатга борган куниёқ Манзурани севиб қолганини ёзилади [6, Б.22]. Шунингдек, бешинчи китобда янги пайдо бўлган персонажлар Ахтам, Зўр ва Тарзан масаласида ҳам бир оз ноаниқлик бор. Ахтамнинг Зўрни милицияга Тарзанни ишга солиб қаматиб юбориши ва қамокдан чиқиб келган Зўр Ахтамнинг хизматига кириши воқеаси Ҳосилбойваччанинг Шомилни чақиб қаматиб юборгани ва Шомил қамокдан қайтиб келиб ўзини сотган одамнинг хизматига камарбаста бўлиши воқеасини қайтарган. Бундан ташқари, муаллиф янги пайдо бўлганларга бош бўлишга Тарзанни лойиқ деб ҳисоблайди ва Асадбекни ҳам шундай ўйлатади. Аммо амалда ҳар бир ишга Ахтам бошчилик қилади ва ҳар бир иш сценарийсини Ахтам ёзади. У ўзидан бошқага гап ҳам бермайди, бировнинг гапига кулоқ ҳам солмайди. Шундай одам қандай қилиб Тарзанга тобе бўлиши мумкин?

Бу каби жузъий камчиликларга қарамасдан “Шайтанат” “Чўқинтирган ота” билан бўйлашадиган янгича услубда ёзилган асар десак муболаға бўлмас. Ана “Шайтанат”дан кейин қанча детектив мавзуда асарлар ёзилди ва ҳамон ёзилаётир. Лекин нима учун улар китобхон эътиборига тушмаяпти, шуҳрат қозонмаяпти? Чунки уларда “Шайтанат”да келтирилган каби кўламдор мавзулар, фалсафий мушоҳадалар, ояту ҳадислар, пейзажлар, хаёлот оламига саёҳатлар, хабарчи тушлар, дидактик ривоятлар, лирик кечинмалар, ўз ўрнига тушмаган. Ёзувчининг маҳорати ана шу унсурларни ўрни-ўрнида қўллаш билишида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Марио Пьюзо. Чўқинтирган ота ёки мафия сардори (Т.Адашбоев, М.Ўринбоев таржимаси). – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти. 2010. – 416 б.
2. Тоҳир Малик. Шайтанат. Биринчи китоб. – Т.: “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 1994. – 384 б.
3. Тоҳир Малик. Шайтанат. Иккинчи китоб. – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – 384 б.
4. Тоҳир Малик. Шайтанат. Учинчи китоб. – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006. – 384 б.
5. Тоҳир Малик. Шайтанат. Тўртинчи китоб, – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2001. – 480 б.
6. Тоҳир Малик. Шайтанат. Бешинчи китоб. – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2011. – 640 б.

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА ДЕТЕКТИВ РОМАН ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

*Хулқар МУҲАММЕДОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

Аннотация: Мазкур мақоламизда инглиз ва ўзбек адабиётида детектив жанрида яратилган асарлар таҳлил этилган. Шу билан бирга инглиз ва ўзбек детектив асарларда тасвирланган элементлар, образлар ва тасвирлаш услуби қиёсланган.

Калит сўзлар: детектив, роман, сюжет, образ, элемент, хусусият, жиноят

Аннотация: Данном статья рассматривает типы жанров детективных романов в английской и узбекской литературе. Также сравниваются стиль изображения, образов и элементов детективных романов в английской и узбекской литературе.

Ключевые слова: детектив, роман, сюжет, образ, элемент, специфика, криминал

Жаҳон адабиётшунослигида кенг тараққий этган роман типларидан бири детектив романлар ташкил этади. Детектив романларнинг таҳлили бадий тафаккур қирраларини янгидан англаб этиш, уни ўзлаштиришнинг рационал-эмоционал имкониятларини кенгайтириб бермоқда. Инсон ички дунёсининг ўзига хос хусусиятларини кашф этиш, жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларнинг ўзига хос бадий ифодаси сифатида

МУНДАРИЖА

I. QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIKNING NAZARIY VA USLUBIY MUAMMOLARI

Акмал САИДОВ. “Қиёсий адабиётшунослик” тушунчасининг таърифи, талқини ва таснифи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	3
Акмал САИДОВ. XX аср бадий адабиётида глобаллашув муаммолари талқини (профессор Муҳаммаджон Холбековнинг илмий-ижодий фаолияти мисолида)	8
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида	13
Гулноз ХАЛЛИЕВА. Адабий компаративистиканинг объекти ва вазибалари.....	16
Шоира АХМЕДОВА. Ўзбек ва француз адабиётшунослигида адабий-танқидий суҳбатнинг ўрни.....	19
Shohsanam DAVRONOVA. “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish	21
Баҳодир ХОЛИҚОВ. АҚШ ва ўзбек романларининг композицион қурилишига доир айрим мулоҳазалар (“Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарлари мисолида).....	24
Хулқар МУҲАММЕДОВА. Ўзбек ва инглиз адабиётида детектив роман элементларининг акс этиши	28
Алишер МАҲМУДОВ. Диний бағрикенгликнинг қиёсий таҳлили(Г.Э.Лессинг ва Э.Воҳидов ижоди мисолида).....	30
Комилжон ҲАМРАЕВ. Бадий “учлик” типологиясининг тарихий-назарий хусусиятлари.....	36
Дилфуза РАСУЛМУХАМЕДОВА. Қиёсий адабиётшуносликда туркий халқлар адабиётидаги асарлар таҳлили ва талқини.....	39
Улуғбек КЎЧИМОВ. Бадий психологизмнинг назарий асослари	43
Санобархон ИСРОИЛОВА. Притча (хикоят)нинг ўзига хос хусусиялари	47

II. O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI, QIYOSIY MIFOLOGIYA VA FOLKLORSHUNOSLIK MASALALARI

Дилнавоз ЮСУПОВА. Темурийлар даври арузшунослигида рубоий вазнларига доир қарашларнинг қиёсий таҳлили	49
Музаффар МАМАТҚУЛОВ. Сайқалининг “Баҳром ва Гуландом” достонида фольклор аңаналари	52
Yunus AZIMOV. Abdurahmon Jomiyning “Xiradnomai Iskandariy” va Alisher Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostonlarida Iskandarning payg‘ambarligi talqini	58
Nurbek JURAYEV, Izzat NIGMATOV. Maqollar bizning ulkan folklor merosimizdir	61
Ra’no HAKIMJONOVA. “Mantiq ut-tayr” va “Lison ut-tayr” debochasida koinot motivi	63
Акмал ЖУМАЕВ. Немис ва ўзбек адабиётида ҳудҳуд образининг ўзига хос талқинлари	66
Гулбаҳор НАЗАРОВА. Инглиз адабиётида аждарҳонинг бадий-мифологик талқини	69
Гулсанам ҚОСИМОВА. “Бобурнома”да ижодкор шахси ва муаллиф образи.....	72
Давронбек ОРИПОВ. “Орзигул” достони юзасидан янги қайдлар.....	75
Дилмурод ДЎСБЕКОВ. “Алпомиш” ва “Манас” дostonларининг қиёсий тадқиқи.....	79
Зарнигор ДЖАЛИЛОВА. Ғарб ва шарқликларнинг атиргул билан боғлиқ магик-мифологик қарашлари ва аңаналари	83
Маҳмадиёр АСАДОВ. Афсонавий Сизиф образининг қиёсий тадқиқи: Гомердан Хуршид Дўстмуҳаммадгача.....	85
Раъно КАЗАКОВА. Отличительные черты фольклорной и литературной сказок	91
Руфина БОЗОРОВА. Лорелай ҳақида афсона	93
Сарвиноз АХМЕДОВА. Инглиз эртақларида эпик кўмакчи образи.....	97
Умида ЭЛОВА. “Гайавата ҳақида кўшиқ” поэмасининг лингвостилистик таҳлили	99
Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА. Жангнома дostonларда тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима масалалари	102

III. O‘ZBEK ADABIYOTI JAHON BADIY TAFAKKURI KONTEKSTIDA

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. Шарқ ва Ғарб классицизмнинг умумназарий муаммолари	105
Махлиё УМАРОВА. Байрон ва Чўлпон шеърятда бадий муштараклик	109
Shahnoza RAHMONOVA. XX asr o‘zbek adabiyotida yaratilgan mustazod janrining qiyosiy tahlili	112
Феруза СУЛТОНҚУЛОВА. Усмон Азим ва жаҳон шеърятда	116
Ғулом БОБОЖОНОВ. “Балоғат илми” араб, форс ва туркий олимлар талқинида	118
Абдунаби ТҶИЧИЕВ. Ижодий ҳамоҳанглик	120
Anvar ALLAMBERGENOV. Abu Rayhon Beruniyning epizodik obraz sifatidagi tasviri (Maqsud Qoriyevning “Ibn Sino” romani misolida).....	124
Зебо САБИРОВА. Шарқ фалсафаси ва модернизм	127
Chinora UMARALIYEVA. Merso va G‘aybarov obrazlari misolida begonalashuv	130
Axror Kodirov. Mustaqillik davri o‘zbek romanchiligida shakliy o‘zgarishlar.....	132
Mohira ABDURAHMONOVA. Xurshid Do‘stmuhammadning “Bozor” romanidagi ramziy obrazlar poetikasi.....	135
Dilshoda UMIROVA. O‘zbek va jahon adabiyoti sirlari va farqlarni xususida	137

IV. O‘ZBEK VA JAHON ADABIY ALOQALARI

Улуғбек ХАМДАМОВ. Глобаллашув даври араб шеърятига бир назар (Солих Замананинг “Абадият манзиллари” тўплами мисолида).....	139
Ёркиной НАСИРДИНОВА. Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг ўзбек-француз адабий алоқалари “Ренессанс”ида тутган ўрни	143
Баҳор ТҶРАЕВА. Чингиз Айтматов романларида инсон ва жонзот микрохронотопининг параллел тасвири	145
Aziza ZOIROVA. Fransuz-o‘zbek adabiy aloqalari taraqqiyotida badiiy tarjimaning roli	149
Дилдора САФАРОВА. Эрнест Хемингуэй ва ўзбек адабиёти	151
Sardor SHERQULOV. Lyuis Kerroll asarlarida viktoriya davrining ta’siri va fantastik voqealar mohiyati	153
Давронбек КОДИРОВ. Ғаззолийнинг “Ал-мунқиз мина-з-залол” автобиографик асарида тасаввуфий-ахлоқ ҳақида	156
Дилафруз ОЧИЛОВА. Уйғониш даврнинг буюк драматурги Кристофер Марло ижодига чизгилар	158
Зебинисо БЕКМУРАДОВА. Франсуза Саган ижодида психологик роман жанри	160
Ислом ЖЎРАЕВ. Замонавий шеърятда шахс ва жамият тақдири	163
Набия АБДУЛЛАЕВА. Инглиз адабиётда талаба образининг берилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари	166
Нилуфар ЖУМАЕВА. “Шовқин ва ғазаб” романида ёритилган муаммолар	168
Адиба МАЪДИЕВА. “Ўзбек модерн шеърятда” тўплами хусусида	171
Ma’suma OBIDJONOVA. Rey Bredberi ijodida inson omili	173

V. TARJIMASHUNOSLIK VA TARJIMACHILIK MASALALARI

Kosimboy MAMUROV, Mohina KHAMIDOVA. On reviewing translation works (on the example of the book “Night and Day” by a.Chulpon).....	176
Xushnuda SAMIGOVA. Some hints for translators: paraphrases as a means of cultural translation.....	178
Зиёдахон ТЕШАБОЕВА. Такаллуфнинг маъно жилolari ва инглизча таржималари таҳлили.....	182
Nurislom KHURSANOV. General characteristics of translation process and cross-cultural communication	185
Oybek XAMDAMOV. Tarixiy romanlar tarjimasida milliylikni aks etishi masalalari	188
Ozoda QURBONOVA. Ingliz tilidagi iboraviy fe’llarni o‘zbek tiliga tarjima qilish muammolari... 191	191

Rafiqjon ZARIPOV. Kognitiv rivojlanish va tarjima jarayonida ikki tillilik va ko'p tillilikning rolli	194
Гулрух ҚАХҲОРОВА. Юкламаларнинг таржима луғатларида берилиши	197
Umida ABDULLAYEVA. Translation strategies for advertising discourse texts: best known tv commercials in uzbek	200
Hamza AVAZOV, Shuhrat XIDIROV. The importance of translating authentic texts during the learning process	202
Д.Б. АБДУКАЮМОВ, В.А. ОРЕХИН-РЫЖИНА. Особенности и проблемы перевода художественных текстов	205
Азиза ЖАЛОЛОВА, Мансур БАБАЕВ, Ўғилой МАВЛОНОВА. Реалиялар (американизмлар) таржимаси муаммоси ва унинг хорижий тилларни ўқитишдаги ўрни	208
Дилафрўз КАРИМОВА. Бир эртакнинг уч таржима варианты хусусида	212
Дилноза САБУРОВА, В.А. ОРЕХИН-РЫЖИНА. Таржимоннинг бир сўзи	215
Муаттар МАҲМУДОВА. Садриддин Салим Бухорийнинг таржимон бўлиб шаклланиш омиллари	217
В.А. ОРЕХИН-РЫЖИНА. О проблемах адекватности в преподавании перевода	219

VI. ILMİY AXBOROTLAR

Mavlyuda GADOEVA. Conceptual analysis of phraseological units with the somatism component in the system of non-related languages	223
D.Sh. SHARIPOVA, M.A. GAYBULLAYEVA, Z. ADIZOVA. Methods of developing skills and abilities in learning a foreign language	227
Dilnoza SHARIPOVA, Malika OBLOKULOVA, Dilnoza ASKAROVA. Some analysis and considerations about symbols	229
Rano AKHMEDOVA. Classification and lexical-semantic features of somatic phraseological units related to culture in english and uzbek languages	232
Rano AKHMEDOVA, Inobat NARZIYEVA. Classification of authentic materials and the role of their usage in foreign language lessons	234
Фируза НАРЗУЛЛАЕВА. Инглиз ва ўзбек тилларида “кўз” сўзининг полисемантиклиги	236
Dilnoza HABIBULLAYEVA. Jahon adabiyoti va tibbiyot	239
B.S. ABDURAZAKOV Some types of semantic correlates of phraseological configurations and its structural-semantic varieties	242
R.A. ACHILOVA, M.T. BABAYEV, O.A. ATAMURADOVA. Benefits of grammar in english classes	244
Dilshoda MAMATOVA. O'zbek talabalarining xitoy tili miqdor to'ldiruvchisini o'rganishini tadqiq qilish	246
O'g'iloy MAVLONOVA. Vaziyatli kinoya va misollar orqali uning tahlili	249
Shahnoza KARIMOVA. Poetik sintaksis haqida	251
Dilnoza ZIYAYEVA. Syntactical characteristics of english speech verbs	254
Рисолат АЧИЛОВА. Антономазияларнинг ўзбек бадиий асарларидаги ўрни	258
Нозима ДЖУМАЕВА. Инглиз ва ўзбек эртакларида ўхшаш вазифали сеҳрли предметлар талқини	261
Shahnoza KARIMOVA, Dinara IBRAGIMOVA. Og'irlik va uzunlik ma'nosidagi numerativlar	264
Моҳичехра НИЯЗОВА. Инглиз ва ўзбек никоҳ туйларида айтиладиган олқишларнинг ғоявий-шаклий муштараклиги	266
Меҳринисо ОЧИЛОВА. Электрон луғат – лексикография ривожинингянги босқичи маҳсули	268
Nilufar OCHILOVA. “Do`nan” hikoyasida “ot” obrazi	274
Диёра БОБОНАЗАРОВА. Дискурс анализ – как современный метод интерпретации информации	276
Zarnigor KHAYATOVA. Relationship between uzbek and english literature: ethno-cultural specificity of concept studies	278

Ilmiy-ommabop nashr

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI



Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami
2020-yil 6-noyabr

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan TASDIQNOMA berilgan.

Nashriyot identifikatsiya raqami №307682706

Bosishga 2020-yil 4-noyabrda ruxsat etildi.

Bichimi 60x84 ¹/₈ .

Times New Roman garniturası. Shartli bosma taboq 35,5.

Original maket

“FIRDAVS-SHOH” nashriyotida tayyorlandi.

Toshkent sh., Olmazor tumani, 248-10.

Tel: +998 90 372-85-17